

**“O’ZLITINEFTGAZ” AJ XUZURIДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 23/25.08.2021.Т.136.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**И.КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВ ХАЁТЖОН РУСТАМЖОН УҒЛИ**

**ҲАР ХИЛ КОЛЛЕКТОРЛИ ГАЗ КОНДЕНСАТ КОНЛАРИНИ  
САМАРАЛИ ИШЛАТИШ УЧУН ҚУДУҚ ТУБИ  
КОНСТРУКЦИЯСИНИ АСОСЛАШ**

**04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по техническим  
наукам**  
**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) and  
technical sciences**

**Ибрагимов Хаётжон Рустамжон ўғли**

Ҳар хил коллекторли газ конденсат конларини самарали ишлатиш учун  
кудук туби конструкциясини асослаш.....3

**Ибрагимов Хаётжон Рустамжон угли**

Обоснование конструкций забоя скважин для эффективной разработки  
газоконденсатных месторождений с неоднородными коллекторами.....17

**Ibragimov Khayotjon Rustamjon ugli**

Justification of well bottom designs for efficient development of layered-  
heterogeneous gas condensate fields.....32

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works .....34

**“O’ZLITINEFTGAZ” AJ XUZURI DAGI ILMIIY  
DARAJALAR BERUVCHI DSc. 23/25.08.2021.T.136.01 RAQAMLI  
ILMIIY KENGASH**

---

**I.KARIMOV NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT TEXNIKA  
UNIVERSITETI**

**ИБРАГИМОВ ХАЁТЖОН РУСТАМЖОН УҒЛИ**

**ҲАР ХИЛ КОЛЛЕКТОРЛИ ГАЗ КОНДЕНСАТ КОНЛАРИНИ  
САМАРАЛИ ИШЛАТИШ УЧУН ҚУДУҚ ТУБИ  
КОНСТРУКЦИЯСИНИ АСОСЛАШ**

**04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Т3265 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «O‘ZLITINEFTGAZ» АЖнинг Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.liting@liting.uz](http://www.liting@liting.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Агзамов Аваз Хамидиллаевич</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хўжаев Исмагулла Қўшаевич</b> техника фанлари доктори <b>Акрамов Бахшилло Шафиевич</b> техника фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси “O‘ZLITINEFTGAZ” АЖ ҳузуридаги DSc.23/25.08.2021. Т.136.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 2, тел.: +998712806700; факс +998712566648; e-mail: [liting@liting.uz](mailto:liting@liting.uz).)

Диссертация билан “O‘ZLITINEFTGAZ” АЖнинг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (регистрация рақами \_\_\_\_). Манзил: 100029, Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 2, тел.: +998712806700; факс +998712566648; e-mail: [liting@liting.uz](mailto:liting@liting.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли тарқатиш баённомаси реестри).

**У.С. Назаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Р.У. Шафиев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгашнинг илмий котиби,  
техника фанлари доктори

**Н.Н. Махмудов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда газ ва газконденсат конларини ишлатиш самарадорлигини орттириш учун кудуқлар маҳсулдорлиги ва дебитини, газ олиш коэффицентини (ГОК) оширишга йўналтирилган турли технологиялар қўлланилмоқда. Аммо разведкага ва ишлатишга киритилаётган мураккаб геологик тузилишли конлар улушининг ортиб бориш шароитларида ҳозирги вақтда фойдаланилаётган технологияларнинг қўлланилиши лойиҳавий кўрсаткичларга эришишни таъминламайди. Буни амалий кўрсаткичлари лойиҳавийдан кичик бўлган конлар сонини ортиб бориши тасдиқланмоқда. Шу сабабли, қўлланилаётган технологиялардан юқори кўрсаткичларига эришилаётган конларнинг геологик-физик шароитларини ўрнатишга қаратилаётган тадқиқотлар ГОКни орттириш ва нефть газ соҳаси учун муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда газ ва газконденсат конларининг мураккаб геологик шароитларида разведка қилиш ва ишлатишда анъанавий қўлланилиб келинаётган, ҳамда янги технологиялардан самарали фойдаланишни илмий асослаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор газ чиқариб олиш жараёни самарадорлигини аниқловчи омиллардан бири бўлган маҳсулдор қатламларнинг геологик турлилигини ўрганишга қаратилган.

Республикада ишлатилаётган газконденсат конларида кудуқларни барқарор ишлатишни, уларнинг дебитини ва маҳсулдорлигини, ҳамда олиш суръатини ва ГОКни оширишни таъминловчи технологияларни такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилиб, маълум илмий натижаларга эришилди. 2022-2026 йилларда<sup>1</sup> Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида миллий иқтисодий жадвал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада саноат тармоқларида энергия самарадорлиги ва ресурслардан фойдаланиш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, газконденсат конларини амалда қўлланилаётган ва янги технологияларни ишлатиш самарадорлиги ва ГОКга маҳсулдор қатламлар геологик турлигининг таъсирини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефтьгаз тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли қарори

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII. “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар турли даражада мураккаб бўлган газконденсат конларининг уюмларидаги маҳсулдор қатламларнинг геологик ҳар хиллигини қўлланилаётган технологияларнинг натижаларига, газ олиш суръати ва якуний газ олиш коэффицентларига таъсирини ўрганиш бўйича кўплаб назарий, экспериментал ва кон тадқиқотлари олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда газ ва газконденсат конларида ушбу муаммони ўрганишга З.С. Алиев, В.В. Бондаренко, В.А. Бочкарев, В.А. Буряковский, Б.П. Гвоздев, А.И. Гриценко, М.С. Джафаров, А.Е. Корнилов, Г.Ж. Молдабаева, И.Т. Мищенко, В.М. Ентов, Ю.П. Желтов, И.Т. Кондратюк, А.П. Ермилов, Р.И. Вахирев, С.Н. Закиров, К.С. Басниев, В.Ф. Канашук, Л.Г. Коршуков, Б.В. Терентьев, А.А. Шипанов, В.П. Митрофанов, А.Х. Мирзаджанзаде, И.М. Аметов, С.Г. Солдатова, Р.Ф. Шарафутдинов, Ю.П. Васильев, В.Г. Ильницкая, А.С. Gringarten, D. Bourdet ва бошқа олимларнинг ишлари бағишланган.

Ўзбекистондаги газ ва газконденсат конларини ишлатишнинг турли саволларини ўрганишга С.Н. Назаров, У.С. Назаров, Д.В. Люгай, П.К. Азимов, Э.К. Ирматов, А.Х. Агзамов, О.Г. Хайитов, А.У. Назаров, Н.Н. Махмудов, А.А. Закиров, Н.Х. Эрматов, В.М. Шевцов, Б.Ш. Акрамов, С.А. Аббасова, Г.Д. Хван, Х.М. Мухаммадиевларнинг ишлари бағишланган.

Тадқиқот натижалари, газ ва газконденсат конларининг жорий ишлатиш ҳолати, ҳамда бир қатор объектларда кичик ГОКга эришилганлиги янги очилаётган уюмларнинг нисбатан мураккаб тузилишини инобатга олиб назарий ишланмаларни такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда. Ушбу муаммони ечиш йўлларида бири, маҳсулдор горизонтлари депрессион ётқизиқлар билан ифодаланган газ ва газконденсат конларини самарали ишлатишни таъминловчи кудуқлар туби конструкциясини асослаш ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этиш зарурати Бухоро-Хива регионидаги депрессион ётқизиқлар ривожланган зона янги газ ва газконденсат конларининг очилиши нуктаи назаридан энг истикболлиги билан ҳам боғлиқ.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №82/2022-6РДС «Матн маълумотларини ва чизма иловаларни рақамлаштириш» (2022) мавзусидаги амалий лойиҳаси, ҳамда 023898 «Углеводород ресурсларини бошқариш тизими (PRMS) талаби бўйича конларда захираларни ҳолисона ҳисоблаш ва иқтисодий баҳолашни ўтказиш» (2020-2022) маслаҳат хизматлари шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳсулдор горизонтлари юқори табақаланган депрессион ётқизиклардан иборат газ ва газконденсат конларини самарали ишлатиш учун қудуқлар тубининг оптимал конструкциясини техник-иқтисодий асослаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

газ ва газконденсат конларидаги туби турли конструкцияли қудуқларнинг ишлатиш кўрсаткичларини таҳлил этиш;

қудуқ туби турли конструкцияларининг афзаллик ва камчиликларини илмий умумлаштириш;

коннинг қурилган геологик модели асосида маҳсулдор горизонтларнинг геологик ҳар хиллиги кўрсаткичларини ўрнатиш;

тузилган гидродинамик модели асосида коннинг қудуқлар туби конструкциясини якуний газ олиш коэффициентига таъсир даражасини ўрнатиш;

катта табақаланган маҳсулдор қатламлар шароитида самарали қудуқлар туби конструкциясини техник-иқтисодий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Бухоро-Хива регионининг Бешкент ётиқлигидаги маҳсулдор қатламлари юқори геологик ҳар хил депрессион ётқизикларидан иборат газконденсат конларнинг қудуқлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳсулдор қатламлар катта табақаланган шароитларда қудуқ туби конструкциясининг якуний газ ва конденсат олиш коэффициентига таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажарилишида геологик-кон маълумотларини системалаштириш ва умумлаштириш, қудуқларнинг гидродинамик тадқиқотлари, математик статистика, геологик ва маҳсулдор қатламлардан газ олиш жараёнини филтрацион моделлаштиришдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

кичик филтрацион хоссали юқори табақаланган горизонтларида ишлатилаётган туби ҳар хил конструкцияли қудуқларнинг кўрсаткичлари маҳсулдорлик коэффициенти ва жамғарма олинган газ ва конденсат бўйича катта фарқ қилиши асосланган;

коннинг яратилган фашиал ва литологик моделлари асосида уюмнинг газга тўйинган ҳажмини геологик ҳар хиллиги баҳоланган;

кичик филтрацион хоссали юқори табақаланган горизонтлар шароитида энг катта газ ва конденсат олиш коэффициентларига конларни газга тўйинган кесими тўлиқ очилиб филтр тушириб ёпилган қудуқлар туби конструкциясида эришилиши аниқланган;

газконденсат конларини ишлатишда қатламга берилаётган депрессиянинг ўзгартирилиши туби турли конструкцияли қудуқларда газ ва конденсат олиш коэффициентини бир хил бўлмаган ўзгаришларга олиб келиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

газ олувчи қудуқлар тубининг қўлланилаётган конструкциялари турларининг асосий афзалликлари ва камчиликлари асосланган;

депрессия ётқизиклардан ташкил топган маҳсулдор горизонтларнинг ҳар хиллигини хусусиятловчи бўлинганлик ва кумлилик коэффициентларининг катталиклари баҳоланган;

депрессия фация ривожланган зоналарда жойлашган газконденсат конларидаги туби турли конструкцияли қудуқларнинг ишлатиш кўрсаткичлари аниқланган;

яратилган филтрацион модель асосида гидродинамик ҳисоблашлар билан қатламга бериладиган депрессиянинг катталиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олинган тадқиқот натижаларининг ишончилиги қудуқларда бажарилган гидродинамик тадқиқотлар маълумотлари ва ишлатишнинг технологик кўрсаткичлари, замонавий “Petrel” ва “Eclipse” Schlumberger дастурий маҳсулотларида яратилган геологик ва филтрацион моделлардан фойдаланилганлиги, конларни ҳисобланган ва амалий ишлатиш кўрсаткичларини таққослаш, ҳамда қудуқлар туби конструкциясини асослаш бўйича тавсияларнинг жорий этилиши натижалари билан тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қудуқ туби конструкциясининг гидродинамик баркамоллик коэффициентлари орқали унинг дебити ва маҳсулдорлигига таъсирининг баҳоланганлиги, юқори табақаланган ва кичик филтрацион-ҳажмий хоссали горизонтлардан иборат газконденсат конларини самарали ишлатиш учун оқилона қудуқлар туби конструкциясининг асосланганлиги, қатламга берилётган депрессияни якуний газ ва конденсат олиш коэффициентларига таъсир даражасини ўрнатилганлигидан иборат. Олинган илмий натижалар депрессия ётқизикли юқори табақаланган ва кичик филтрацион-ҳажмий хоссали маҳсулдор горизонтлардан иборат газконденсат конларини ишлатиш самарадорлигининг ортиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қудуқлар туби конструкциясининг унинг ишлатиш технологик кўрсаткичларига таъсир даражасининг баҳоланганлиги, маҳсулдор горизонтларнинг геологик ҳар хиллик кўрсаткичларининг ўрнатилганлиги, қудуқларда қатламга берилётган оқилона депрессия ва технологик ишлатиш режимларини асослашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳар хил коллекторли газ конденсат конларини самарали ишлатиш учун қудуқ туби конструкциясини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

очиқ стволли қудуқ конструкцияларини асослаш бўйича ишлаб чиқилган тавсия Айзоват конидаги №17 қудуқда амалиётга жорий этилган (“Ўзбекнефтегаз” АЖ нинг 2022 йил 4 октябрдаги 02-18-8-107-сон маълумотномаси). Натижада 2022 йилнинг 2-мартдан 1-июльгача 8.79 млн.м<sup>3</sup> газ ва 366 тонна конденсат қўшимча қазиб чиқариш имконини берган;

қудуқ тубини чуқурлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсия Айзоват газконденсат конининг №12 қудуғида амалиётга жорий этилган

(“Ўзбекнефтегаз” АЖ нинг 2022 йил 4 октябрдаги 02-18-8-107-сон маълумотномаси). Натижада 2022 йилнинг 1-июлидан 10-октябригача 1.24 млн.м<sup>3</sup> газ ва 47 тонна конденсат қўшимча қазиб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий натижалари 16 та илмий ишда эълон қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, улардан 1 таси чет эл журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 114 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, диссертация мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳақидаги ва эълон қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Қудуқ туби конструкцияларининг газконденсат конларининг ишлатиш кўрсаткичларига таъсири муаммосининг назарий асослари ва ўрганилганлик ҳолати”** деб деб номланган биринчи бобида қудуқ туби конструкциясининг маҳсулдорлигига ва газ олиш коэффициентига таъсирини баҳолаш назарий асослари, Бухоро-Хива регионидаги углеводород конларидаги қудуқларнинг дебитларига уларнинг туби конструкциялари таъсирини ўрганилганлик ҳолати, ҳамда қудуқ туби конструкцияларини таққослаш натижалари келтирилган.

Қудуқларда туби турли конструкцияларни қўллаш шароитларини таҳлил қилиб, углеводород конларининг турли геологик-физик шартларига боғлиқ равишда улар маҳсулдорлиги ва ишлатиш жараёнида технологик кўрсаткичлари билан фарқ қилиши кўрсатилган (1-расм).

БХР нинг Бешкент ботиқлигидаги газконденсат конларидаги таҳлил этилган 103 та қудуқнинг (100%): 49-тасида (48%) маҳсулдор горизонтлар эксплуатацион колонна билан ёпилган ва гидродинамик алоқа перфорация тешиклари орқали амалга оширилади; 24 тасида (23%) очик стволга фильтр туширилган, 30 тасида (29%) эса ствол очик қолдирилган (2-расм).



**1-расм. Ҳар хил турдаги кудуқлар туби конструкцияларининг афзалликлари ва камчиликлари (Агзамов А.Х., Ибрагимов Х.Р., 2022 йил)**



**2-расм. Умумий таҳлил қилинган кудуқлар сонининг туви конструкцияси бўйича тақсимланиши (01.09.2022й. ҳолатига) (Ибрагимов Х.Р., 2022 йил)**

Умумий ва эксплуатацион фонд кудуқларини таққослаш улардан энг катта фойдаланиш коэффициенти фильтр туширилган кудуқларга – 50%,


кейин очик тублиларга – 40%, энг кичик кўрсаткич эса ёпилган стволлиларга хослиги кўрсатилган.

Келтирилган маълумотлар кўрсатишича, мураккаб ва ўта мураккаб тузилишли газконденсат конларида қудуқлар туби конструкциясининг уларни ишлатиш жараёнига ва газ олиш имкониятларига катта таъсир этади. Шу сабабли, ҳамда БХР нинг Бешкент ботиқлиги территориясида охириги йилларда асосан ўта мураккаб турдаги газ конденсат конлари очилаётганлигини инобатга олиб, қудуқлар туби конструкцияларини газ олиш суръатларига ва ГОКга таъсирини ўрганиш долзарб илмий муаммо ҳисобланади, амалий хулосалар эса конларни ишлатиш самарадорлигини орттириш учун зарурдир.

Диссертациянинг “**Коннинг яратилган геологик модели асосида маҳсулдор қатламни ҳар хиллигини ўрганиш**” деб номланган иккинчи бобида рақамли геологик моделни яратиш принциплари ва бошланғич маълумотлар, маҳсулдор горизонтларнинг ҳар хиллигини баҳолаш, ҳамда коннинг газ ва конденсат захираларини эҳтимолли асосда ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Маҳсулдор қатламларнинг ҳар хиллигини моделлаштириш литология (макро ҳар хиллик), ғоваклик ва тўйинганлик (микро ҳар хиллик) моделларига асосланган.

XV ва XVa горизонтлар учун бор қудуқлар маълумотлари асосида геологик-статистик кесим (ГСК) тузилиб, ундан кесим бўйлаб коллекторларнинг тақсимланишини ўрнатишга вертикал тренд сифатида фойдаланилди (3-расм).



**3-расм. XV ва XVa горизонтлар учун геологик-статистик кесимлар  
(Аббасова С.А., Ибрагимов Х.Р., 2022 йил)**

Яратилган геологик моделнинг асосий натижаларидан бири уюм ҳажмида бўлинганлик коэффициентларининг ўрнатишга баҳолади. Олинган натижалар асосида бўлинганлик ва қумлилик коэффициентларини

тақсимланиш хариталари қурилган, улар Айзоват конидаги маҳсулдор горизонтларнинг юқори ҳар хиллигини тасдиқлайди. Ушбу хариталар газга тўйинган самарали қалинлик харитаси билан биргаликда янги лойиҳа қудуқларини жойлаштиришни асослаш учун фойдаланишга тавсия этилган.

“Petrel” дастурий маҳсулоти асосида қурилган Айзоват газконденсат конининг уч ўлчамли модели депрессион фация ривожланган ётқизиклар зонасида XV ва XVa маҳсулдор горизонтлар, риф фацияларидан ташкил топган маҳсулдор горизонтларга нисбатан, мураккаброқ геологик тузилишга эга эканлигини кўрсатади.


Депрессион фациядаги маҳсулдор горизонтларнинг асосий мураккаблаштирувчи хусусиятларига нисбатан катта чуқурликда жойлашиши, коллекторларнинг кичик филтрацион–ҳажмий хоссалари, газга тўйинган кесимнинг юқори бўлинганлик ва кичик кумлилик коэффицентлари ҳисобланади.

Қурилган геологик модель асосида Айзоват конининг газ захиралари “Углеводород ресурсларини бошқариш системаси” (Petroleum Resources System (PRMS) талаблари бўйича ҳисобланди. Газнинг геологик захираларини аниқлаштириш учун моделга газ захираларидаги ноаниқликлар 10%, 50% ва 90% лик эҳтимол билан таҳлил этилди. Бунинг учун энг оқилонасини танлаш мақсадида 100 дан ортиқ моделлар тузилди. Натижада 10% ли эҳтимолликда газнинг геологик захиралари 4517 млн. м<sup>3</sup> (ҳажмий усулда ҳисоблангандан фарқи 337 млн. м<sup>3</sup> ёки 8,06%), 50% ли эҳтимолликда -4373 млн. м<sup>3</sup> (193 млн. м<sup>3</sup> ёки 4,61%), ҳамда 90% ли эҳтимолликда 4217 млн. м<sup>3</sup> (37 млн. м<sup>3</sup> ёки 0,88%) ташкил этиши аниқланди. Шундай қилиб, яратилган геологик моделда газ захираларини ҳисобланишда эҳтимолликнинг ортиши билан натижаларнинг ишончилиги ўсади, яъни ҳажмий усулда ҳисобланганидан фарқлари камайиб боради.


Диссертациянинг **“Айзоват газ конденсат конини туби турли конструкцияли қудуқларда ишлатишнинг техник–иқтисодий таҳлили”** деб номланган учинчи бобида қудуқларни амалдаги ишлатиш кўрсаткичларининг таҳлили, коннинг туби турли конструкцияли қудуқлар билан прогнозлаштирилган ишлатиш кўрсаткичларининг ҳисоби ва таҳлили натижалари келтирилган.

Айзоват конида очик тубли қудуқлар конструкцияси маҳсулдор XV ва XVa горизонтлари мустаҳкам ғовак дарзли оҳактошлардан ташкил топганлиги билан асосланган. Очик тубли қудуқларни қатламга катта депрессия бериб (14 дан 24 мм гача штуцерларда) ишлатиш структурани кубба қисмида жойлашганларида 342 дан 700 минг м<sup>3</sup>/сут ораликда ўзгарувчи юқори бошланғич дебитлар олинганлигини, структуранинг қанотларида жойлашганларида эса 55 дан 165,45 минг м<sup>3</sup>/сут ораликдаги кичик дебитлар олинганлигини кўрсатади. Бунда ҳамма қудуқларни қисқа ишлатиш вақтида улар дебитнинг кескин камайиши кузатилиб (4-расм), уларнинг деярли ярми консервацияга қуйилади. Фақат №8, 11 қудуқлардан уларнинг потенциал имкониятлари даражасида мос равишда 234,9 ва 145,6 млн.м<sup>3</sup>, иккита №9, 14

қудуқлардан 79,2 ва 87,1 млн.м<sup>3</sup>, ҳамда №№12,16,17,6 қудуқлардан эса 15 млн.м<sup>3</sup> дан кам жамғарма газ олинган (5-расм). Маҳсулдор горизонтларнинг юқори бўлинганлик шароитларида пастки газга тўйинган қатламчаларнинг қамраб олинмаганлиги газ олишни кескин суръатларда камайиши ва катта бўлмаган жамғарма газ олинишининг асосий сабабларидан бири эканлиги ўрнатилган.



**4-расм. Айзоват газконденсат кони қудуқларининг кунлик дебити динамикаси (Агзамов А.Х., Ибрагимов Х.Р., 2022 йил)**



**5-расм. Айзоват газконденсат конининг қудуқларидан жамғарма олинган газ динамикаси (Агзамов А.Х., Ибрагимов Х.Р., 2022 йил)**

Маҳсулдор қатлам тўлиқ очилмаганлигини ГОК га таъсир даражасини баҳолаш учун ECLIPSE Shlumberger гидродинамик симуляторида Айзоват газконденсат конининг ишлатиш кўрсаткичларини ҳисоблаш амалга оширилди. Қурилган гидродинамик моделда қудуқлар тури, зичлиги ва

жойлаштирилиши бир хил, аммо қудуқлар туби конструкцияси билан фарқ қилувчи 3-та ишлатиш варианты ҳисобланди:


1-вариант бўйича маҳсулдор горизонт эксплуатацион колонна билан ёпилади ва горизонтнинг фақат пастки 50% қалинлиги перфорация қилинади;

2-вариант бўйича маҳсулдор қатлам эксплуатацион колонна билан ёпилади, газга тўйинган қатламчалар пастдан юқорига кетма-кет перфорация ва эксплуатация қилинади;


3-вариант бўйича маҳсулдор горизонт тўлиқ очилади ва фильтр туширилиб, ёпилади.

Айзоват газконденсат конининг кўрилган ишлатиш вариантлари учун ҳисобланган йиллик ва жамғарма газ олишни ҳисоблаш натижалари 6- ва 7-расмда келтирилган.

Қудуқларнинг сони ва структурада жойлаштирилиши бир хил бўлганда кичик газ олиш маҳсулдор горизонт қалинлиги тўлиқ очилиб кесимнинг фақат пастки 50% да эксплуатацион колонна перфорация қилиб ишлатилганда эришилади. Нисбатан йиллик юқорироқ газ олиш маҳсулдор горизонт тўлиқ очилиб кесим пастдан юқорига кетма-кет перфорация қилиб ишлатилганда бўлади. Энг катта йиллик газ олиш маҳсулдор горизонт тўлиқ очилиб очик қолдирилган, аммо фильтр билан ёпилган ҳолатга мос келади. Жамғарма газ олиш динамикаси йиллик газ олиш динамикасига мос келади.



**6-расм. Вариантлар бўйича йиллик газ олишни ҳисоблаш натижалари (Агзамов А.Х., Ибрагимов Х.Р., 2022 йил)**



**7-расм. Вариантлар бўйича жамғарма газ олишни ҳисоблаш натижалари (Агзамов А.Х., Ибрагимов Х.Р., 2022 йил)**

Маҳсулдор горизонтнинг фақат пастки 50%ини очиб перфорация қилиш варианты амалга оширилганда 60 йил ишлатиш даврида кондан жами 2062,15 млн.м<sup>3</sup> газ олинади ва 43,97% ГОК га эришилади. Қудуқларни пастдан юқорига кетма-кетликда ишлатиш варианты амалга оширилганда эса худди шу 60 йиллик ишлатиш муддатида жамғарма газ олиш 2321,57 млн.м<sup>3</sup> гача, ГОК – 49,5% гача, яъни 5,53% га ортади. Захирадан унумли фойдаланиш нуқтаи назаридан энг юқори натижалар маҳсулдор горизонт тўлиқ очилиб фильтр туширилиб ёпилган вариантда эришилади: конни 53 йиллик ишлатиш муддатида жами 3237,12 млн м<sup>3</sup> газ олинади ва 69,02% ГОК га эришилади.

Олинган натижалар табиий газ конларини ишлатиш назарий асосларини тасдиқлайди, жумладан:

катта табақаланган маҳсулдор горизонтларнинг тўлиқ очилмаслиги қудуқларнинг гидродинамик баркамол эмаслигини ва газ оқимиға қаршилиқнинг ортишиға олиб келади;

мустаҳкам коллекторларда газга тўйинган қалинлик тўлиқ очилиб фильтр билан ёпилган ҳолда қудуқларни ишлатиш, эксплуатацион колонна билан ёпилиб ва перфорация қилиб ишлатиладиган қудуқларға нисбатан, юқори газ олиш суръатларини ва ГОК ни таъминлайди;

қудуқларни қатламға катта депрессия бериб ишлатиш қатлам энергиясидан рационал фойдаланмасликка, юқори сувланиш суръатларига ва кичик ГОК га олиб келади.

Техник-иқтисодий ҳисоблар натижалари, депрессион фация ётқизиклари ривожланган зоналардаги коллекторларнинг кичик филтрацион–ҳажмий ва катта табақаланган ҳолларида, газконденсат конларини юқори самарадорлик

билан ишлатиш кудуклар кесимида тўйинган интерваллар тўлиқ очилганда таъминланади.

## ХУЛОСА

“Ҳар хил коллекторли газ конденсат конларини самарали ишлатиш учун кудук туби конструкциясини асослаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича бажарилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Кудуклар тубига газ оқими келишини назарий умумлаштириш асосида улар туби конструкциясининг гидродинамик баркамоллик ва фильтрацион қаршилик коэффициентлари орқали кудуклар дебети ва маҳсулдорлик коэффициентига, газ олиш суръати, газ ва конденсат чиқариб олиш коэффициентларига таъсири кўрсатилди. Тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, вертикал кудукларда қўлланилаётган очик тубли, тубига фильтр туширилган ва ёпиқ стволли конструкцияларни қўллашнинг геологик ва технологик шароитлари систематизация қилинди. Қўлланилаётган кудук туби конструкцияларининг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилди.

2. Бухоро-Хива регионининг Бешкент ботиқлигидаги газ конденсат конларидаги турли мақсадда бурғиланган 103 та кудукларнинг технологик ишлатиш кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, улар туби конструкциясининг бошланғич ва жорий дебитларга, жамғарма олинган газ миқдорига катта таъсири борлиги кўрсатилди. Бунда энг юқори ишлатиш кўрсаткичлари тубига фильтр туширилган, энг кичик кўрсаткичлар эса туби перфорация қилинган кудукларда эришилган. Шу сабабли кудук туб конструкцияси мурракаб тузилишдаги газконденсат конларидаги тадқиқотларни ўтказиш зарур ва долзарб, деб хулоса қилинди.

3. “Petrel” дастурий маҳсулоти асосида Айзоват газконденсат конининг уч ўлчамли модели қурилиб, XV ва XVa маҳсулдор горизонтлар депрессион фациялари ривожланган зоналарда риф фацияларидан ташкил топган маҳсулдор горизонтларга нисбатан мураккаб геологик тузилишига эга эканлиги кўрсатилган. Депрессион фациядаги маҳсулдор горизонтларнинг асосий мураккаблаштирувчи хусусиятлари, нисбатан чуқурликда жойлашиши, коллекторларнинг кичик фильтрацион-ҳажмий хоссалари, юқори табақаланганлик коэффициенти ва газга тўйинган кесимнинг кичик кумлилик коэффициенти ҳисобланади.

4. “Petrel” дастурий маҳсулотларидан фойдаланиб яратилган геологик модель асосида бошланғич газ захиралари баҳоланиб, ноаниқлик эҳтимоли қанча катта бўлса натижаларнинг ишончлилиги шунча юқори бўлиши кўрсатилган. Масалан, ноаниқликнинг 10%, 50% ва 90% ли эҳтимолларида бошланғич геологик газ захираларини ҳажмий усулда ҳисобланган катталиги ва уч ўлчали геологик модель бўйича олинганидан фарқи мос равишда 8.06%, 4,61%, 0,88% ташкил этади.

5. Юқори табақаланган маҳсулдор қатламларнинг очик стволли кудукларда юқори қисмини очиб ишлатиш фақат структуранинг кубб

қисмларида жойлашган қудуқларнинг бошланғич дебитининг ортишига олиб келиши ўрнатилган. Бунда қудуқларни қатламга катта депрессия билан ишлатиш структуранинг ҳам қубба, ҳам қанотларида жойлашган қудуқлар дебитининг кескин камайиши рўй беради.

6. “ECLIPSE” Shlumberger симуляторида бажарилган ҳисоблашлар билан қудуқ туби бир хил бўлган қудуқлар тўри зичлигида ва қатламга берилган депрессияда энг кичик ГОК 43,97% маҳсулдор горизонтни фақат остки қисми очилганда эришилади. Бир хил муддатда қудуқларни пастдан-юқорига қараб ишлатиш схемасида ГОК 49,5%ни ташкил этади. Энг катта ГОК 69,02%га эса қудуқларда маҳсулдор қатлам тўлиқ очилиб, фильтр билан ёпилган ҳолда ишлатишда эришилади.

7. Қудуқларни қатламга чегараланган депрессия бериб ишлатиш уларни тез сув босишига ва қудуқлар туби конструкциясига боғлиқ равишда ГОКни 4,17% дан 17,06% гача камайишига олиб келади.

8. Айзоват газконденсат конидаги №12 қудуқда маҳсулдор қатламнинг очилган кесимини қудуқ туби чуқурлаштирилиб қўшимча очиш бўйича тавсия жорий этилиб, 01.06.2022 йилдан 10.10.2022 й. вақт давомида қўшимча 1,24 млн. м<sup>3</sup> газ ва 47 тонна конденсат қазиб олинди. №17 қудуқда очиқ стволли конструкцияни қўллаш бўйича тавсия жорий этилиб, 11.03.2022 й. дан 01.06.2022 й. вақт давомида қўшимча 8.79 млн.м<sup>3</sup> газ ва 336 тонна конденсат қазиб олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.23/25.08.2021. Т.136.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ АО «O'ZLITINEFTGAZ»**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМ. И. КАРИМОВА**

**ИБРАГИМОВ ХАЁТЖОН РУСТАМЖОН УГЛИ**

**ОБОСНОВАНИЕ КОНСТРУКЦИЙ ЗАБОЯ СКВАЖИН ДЛЯ  
ЭФФЕКТИВНОЙ РАЗРАБОТКИ ГАЗОКОНДЕНСТАННЫХ  
МЕСТОРОЖДЕНИЙ С НЕОДНОРОДНЫМИ КОЛЛЕКТОРАМИ**

**04.00.13 – Разработка и эксплуатация нефтяных и газовых месторождений**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.4.PhD/Т3265.

Диссертация выполнена в Ташкентском Государственном техническом университете им. И. Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета АО «O'ZLITINEFTGAZ» ([www.liting@liting.uz](http://www.liting@liting.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Агзамов Аваз Хамидиллаевич</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Хужаев Исматулла Кушаевич</b> доктор технических наук <b>Акрамов Бахшилло Шафиевич</b> кандидат технических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Каршинский инженерно-экономический институт</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года в «\_\_\_» часов на заседании Научного Совета по присуждению ученых степеней DSc.23/25.08.2021.T.136.01 при АО «O'ZLITINEFTGAZ», по адресу: 100029, г.Ташкент, ул. Тараса Шевченко, 2. Тел.: +(99871) 280-67-00, факс: + (99871) 256-66-48, e-mail: [liting@liting.uz](mailto:liting@liting.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре АО «O'ZLITINEFTGAZ» (регистрационный номер \_\_\_). Адрес: 100029, г.Ташкент, ул. Тараса Шевченко, 2. Тел.: +(99871) 280-67-00, факс: + (99871) 256-66-48, e-mail: [liting@liting.uz](mailto:liting@liting.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2023 года).

**У.С. Назаров**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор технических наук, профессор

**Р.У. Шафиев**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор технических наук

**Н.Н. Махмудов**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете  
по присуждению ученых степеней,  
доктор технических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире для повышения эффективности разработки газовых и газоконденсатных месторождений применяются различные технологии, направленные на увеличение продуктивности и дебитов скважин, коэффициента извлечения газа (КИГ). Однако в условиях роста доли месторождений со сложным геологическим строением, вовлеченных в процесс разведки и разработки, применение используемых в настоящее время технологий не обеспечивает достижение проектных показателей, о чем свидетельствует увеличение количества месторождений, на которых фактические показатели ниже проектных. В связи с этим, исследования по установлению геолого-физических условий месторождений, на которых достигаются высокие результаты от применяемых технологий, имеют важное значение для увеличения КИГ и нефтегазовой отрасли.

В мире ведутся исследования по научному обоснованию эффективного применения как традиционно применяемых, так и новых технологий в сложных геологических условиях разведки и разработки газоконденсатных месторождений. При этом особое внимание уделяется изучению влияния геологической неоднородности продуктивных пластов, что является одним из факторов, определяющий эффективность процесса извлечения газа.

В республике проводятся научные и практические работы и достигнуты определенные научные результаты по совершенствованию и внедрению на разрабатываемых газоконденсатных месторождениях технологий, обеспечивающих устойчивую работу скважин, повышению их дебитов и продуктивности, а также темпа отбора и КИГ. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы<sup>1</sup> поставлены важные задачи по ускоренному развитию национальной экономики и обеспечению высоких темпов роста. В связи с этим особое внимание уделяется повышению энергоэффективности и рациональному использованию ресурсов в отраслях промышленности. Исходя из этого, изучение влияния геологической неоднородности продуктивных пластов на эффективность традиционных применяемых и новых технологий разработки газоконденсатных месторождений и КИГ имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28.01.2022 г. «Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-4388 от 09.07.2019 г. «О мерах по стабильному обеспечению экономики и населения энергоресурсами, финансовому оздоровлению и совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в этой сфере.

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28.01.2022 г. «Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VIII. «Науки о Земле» (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

**Степень изученности проблемы.** К настоящему времени проведено большое количество теоретических, экспериментальных и промысловых исследований по изучению влияния геологической неоднородности продуктивных пластов на результаты применяемых технологий, темпов отбора и конечных коэффициентов извлечения газа в различных по степени сложности залежей газоконденсатных месторождений.

Изучению этой проблемы на примере газовых и газоконденсатных месторождений зарубежных стран посвящены труды учёных З.С. Алиева, В.В. Бондаренко, В.А. Бочкарева, В.А. Буряковского, Б.П. Гвоздева, А.И. Гриценко, М.С. Джафарова, А.Е. Корнилова, Г.Ж. Молдабаевой, И.Т. Мищенко, В.М. Ентова, Ю.П. Желтова, И.Т. Кондратюка, А.П. Ермилова, Р.И. Вахирева, С.Н. Закирова, К.С. Басниева, В.Ф. Канашука, Л.Г. Коршукова, Б.В., Терентьева, А.А. Щипанова, В.П. Митрофанова, А.Х. Мирзаджанзаде, И.М. Аметова, С.Г. Солдатовой, Р.Ф. Шарафутдинова, Ю.П. Васильева, В.Г. Ильницкой, А.С. Gringarten, D. Bourdet и др.

Изучению различных вопросов разработки газовых и газоконденсатных месторождений Узбекистана посвящены работы С.Н. Назарова, У.С. Назарова, Д.В. Люгай, П.К. Азимова, Э.К. Ирматова, А.Х. Агзамова, О.Г. Хайитова, А.У. Назарова, Н.Н. Махмудова, А.А. Закирова, Н.Х. Эрматова, О.Г. Хайитова, Н.М. Щевцова, Б.Ш. Акрамова, С.А. Аббасовой, Г.Д. Хван, Х.М. Мухаммадиева и др.

